



O'ZBEKISTON OVOZI

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Сиз, хурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакилларини, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилаklarимни изхор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобализация ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққий эти, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятининг айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият қўламини, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиши, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айлиб бораётганга барчамиз гўвоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодиётимиз самардорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сийбонлиги олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг қўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириб мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлиши ҳалқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, оғлини яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга ҳалақат бераётган эски қолип ва қарашлардан ҳалос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳаммадан бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миқдорда билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сонини 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Ҳусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлиши Интернет журналистикаси, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг ҳалқ-аро медиа майдонда ўз нуносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Уштан давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бунинг маъноси ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам таъкидлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлиши тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самардорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун аввало, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва ғоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Телерадиозшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакилларининг фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа қорхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарорини оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдида ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда. Албатта, ҳар қандай янгиликни, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодиётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққийоти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунаемиз.

Шу нуқтага назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдида турган энг муҳим вазифаларни баҳолаб эканмиз:

Биринчидан, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга маҳлиё бўлмасдан, мактанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, аввало, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттириш талаб қилинади;

Иккинчидан, ҳаммамизга аёнки, ўз олдида мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устидан тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

Учинчидан, бундай юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

Тўртинчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, аввало, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётини принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир тақлифни сизлар билан ўртоқлашишни жоиз, деб биламан. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни мундоо бўлар эди.

Бунда айниқса таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйлайманки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш кераки, одатда газета-журналистларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги тўғрисида улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, ўз мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан сувишти қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар ҳақида бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши мукаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самардорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва қорхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига ҳолисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида хурмат-эътибори, айни пайтда масъулиятини ҳам ортисига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситаларини соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйлайманки, сиз, азиятларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳаммизга қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимки, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим, деб билишимни изхор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қўтлаб, барчангизга сичат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Испом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Президентимиз Испом Каримов томонидан миллий оммавий ахборот воситалари ривожига қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларидан янада фаоллик ва изланувчанликни, огоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур санага бағишлаб

ўтказилган тантанали тадбирга соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар, устоз журналистлар, барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг ижодий ва техник ходимлари, ношир ва матбаачилар, олий таълим муассасаларининг

журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш қаламкашлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақлиф этилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗХДП: МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



ФИДОЙИЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ БЎЛСА

вазифалар удаланади, муаммолар ечим топади

ЎЗХДП Ташкент вилояти кенгаши ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги фаоллиги ҳамда масъулиятини оширишга бағишланган қўшма йиғилиш бўлиб ўтди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари,

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги ходимлари ҳамда электротар вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

Website banner for 'O'zbekiston ovozi' with navigation, search, and social media links.

Summary of news items: 'Бугунги сонда' (Today's issue) with 'Суд ижрочиси — Хавфли касб...ми?' (Judge is a dangerous profession...?) and 'Кўргазма' (Exhibition) with 'Спортнинг ривожланиши, спортда юксак марраларни забт этиш' (Development of sports, conquering high achievements in sports).

Хуқуқий тарғибот

СУД ИЖРОЧИСИ — ХАВФЛИ КАСБ...МИ?

мухбиримиз уларнинг ишини кузатди

Суд ижрочисининг кимлиги ҳақида ҳаммамизнинг унча-мунча тасаввуримиз бор. Агар ундирувчи ёки қарздор сифатида ижро ишида иштирок этган бўлсангиз, унда суд ижрочиси ҳақида батафсилроқ маълумотга эга экансиз. Билмаганлар учун озгина тушунтириш: ижро ҳужжати кимнинг фойдасига ёки манфаатларини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахс ундирувчи ҳисобланади. Ижро ҳужжатида назарда тутилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундирувчига бериш ёхуд муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти зиммасига юклатилган шахс қарздор ҳисобланади. Суд ижрочиси эса... келинг, яхшиши уларнинг ишини биргаликда кузатамиз.

ларни тушунадиганлар ва тушунмайдиганлар тоифасига ажратлади.
— Қонунга итоаткор қарздорлар бир марта огоҳлантиришимиз билан ижро ҳужжатида белгиланган вазифасини бажаришади. Огоҳлантириш, тушунтиришларга қарамадан қарзини тўламаганлардан сўнг мажбурий ижро ҳаракатларини бошлаймиз.
Суд ижрочисининг тегишли манзилга чиқиб, ижро ҳаракатларини амалга оширишдан бошқа ишлари ҳам жуда кўп. Мол-мулкни аниқлаш бўйича турли ташкилотларга, кадастр, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва сугурта идораларига ёзишмалар, ижро бўйича тегишли назорат олиб бориш шулар жумласига киради.

— Маълумотлардаги аниқлик иш ҳажмини камайтириб, вазифамизни бажаришни енгиллаштиради, — дейди у.
Шунингдек, ижро ҳужжатларининг белгиланган муддатда бажарилиши биргина суд ижрочисига боғлиқ эмаслигини таъкидлайди. Мана, яқинда қарздор қорхонанинг юк машинаси борлиги аниқланиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида қидирув эълон қилиш ҳақида хат берилди.
Мамлакатимизда қонун-қоидалар, меъёрий ҳужжатлар билан суд ижрочисининг ишини енгиллаштирадиган шароитлар яратилган. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида суд ижрочилари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши, мазкур органлар ҳамда ташкилотлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижрочиларига кўмаклашиши шартлиги белгилаб қўйилган.



Суд ижрочилари биргаликда ўқиб-ўрганадилар, муаммоларни вазиятлар ҳақида баҳслашадилар. Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Миробод туман суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси Шарофиддин Саидов уйга кириштиб қўйиш ҳақидаги ижро ҳужжатини бажаришни кечки соат 18 дан кейинга режалаштирди — хонадонларда фуқаролар билан амалга оширилмаган ишларга шу вақт маъқул, кўпчиликни уйдан топиш мумкин. Дарвоқе, суд ижрочисининг иш вақти эрталабки 8 дан кечки 10 гача, бу қонунда белгиланган.

Суд ижрочиси икки жамоат транспортдан фойдаланиб, маҳалла фуқаролар йиғини идорасидан фаолларни олиб, манзилга етиб келганида бу ерда уни ундирувчи икки нафар фарзанди билан дарвоза олдида кутиб турган эди. Ички ишлар участка нозирини ҳам шу ерда экан.

— Участка нозирига олдиндан хабар қилганимиз, — изоҳ беради Шарофиддин.

Суд ижрочилари иш мазмунига қараб вазиятнинг қандай бўлишини олдиндан ҳис қилишда ва шунга қараб ҳаракат қиладилар. Масалан, бугунги ҳолатда ички ишлар нозирини албатта керак — чунки бу аёлни олдин ҳам уйга кириштиб қўйишган, уч кундан кейин эри ва у билан ноконуний яшаётган аёл уни яна кўчага ҳайдашган.
Суд ижрочиси ва участка нозирининг тақат-берк дарвоза ортидан туриб қарздорнинг мажбурияти, уларни бажармаганлиги учун жавобгарлиги ҳақидаги тушунтириш ва огоҳлантиришлари, маҳалла фаолларининг одамгарчилик ҳақидаги насиҳатлари бечасма кетди — дарвоза очилмади. Аксинча, ичкаридагиларнинг сўкиш ва қарғишлари эшитилди.

Охири чора — дарвозани бузиб киришнинг ҳам имкони йўқлиги маълум бўлиб қолди. Ичкаридагилар дарвозага автомашиналарини тақаб қўйишди.

Аёл икки нафар кичкинтойи билан яна вақтинча ота уйига қайтди — ўзининг қонуний улуши бўлган уйга киришини бирмунча муддат кутишига тўғри келди. Суд ижрочиси эса ички ишлар бўлимига ижро ҳаракатларига тўқтинлик қилинганлиги тўғрисида билдирди. Қўрилган маъмурий чорадан кейин қонун талабларига бўйсунмаган эрининг эси кирса ажаб эмас.

Ҳартугул, эҳтиёт шарт қақирилган «Тез ёрдам» хизматида эҳтиёж тугилмади. Аммо онасининг пинжига тикилиб турган икки нораства гўдакнинг жавдираб боқишлари, умид билан дарвозага тикилишлари кўз олдимдан кетмади.

— Афсуски, хизматимиз давомида бундай ҳолатларга ҳам дуч келамиз, — дейди Шарофиддин Саидов. — Туйғуларимизга эрк бериб, кимгадир диллимиздаги гапни айтиб юборишдан тийилмаз, бунга ҳаққимиз йўқ, вазифамизни бажариш билан чекланамиз.

Онани қизи билан куёвининг уйдан чиқариш ҳақидаги суд қарорини бажариш жараёнидаги вазият ҳам эсида. Ораларидан нима гап ўтган, ижрочига номаълум, барибир, онани кўчага чиқариб қўйиш жуда оғир бўлди. Ана шундай — ундириш жараёнидаги қийинчиликларгина эмас, иштирокчиларнинг ҳолатлари ҳам қайфиятга таъсир кўрсатади.

Суд ижрочиси Учқун Примовнинг қўлида айни кунда 300 ижро ҳужжати бўлса, уларнинг асосий қисми коммунал хизмат тўловларини ундириш бўйича. 50 минг сўмдан 1000000 сўмгача, баъзан ундан ошқ қарзлар мавжуд. Қарзни ундириш муддати икки ой қилиб белгиланган. Баъзан қарз қисқа муддатда ундирилса, баъзан жараён белгиланган вақтдан охиригача кетади. Қарз миқдори оз бўлса, суд ижрочилари мол-мулкни хатлаш учун далолатнома тузишга келган вақтдаёқ қарздор дарҳол ҳужжатда қўрсатилган суммани тўлаб юборади. Арзимаган пулни деб, айтилиб, машинасига банд солдириш кимга ҳам ёқади дейсиз?

Суд ижрочиларининг коммунал тўловлар бўйича қарздорлик тўғрисида яқдил ҳулосалари бор: қарздорлик асосан тўлов қобилияти пастлиги тўғрисида эмас, эътиборсизлик сабаб юзага келяпти. Шунинг учун ҳам қарздорлар ижро ҳужжатида хабар толган захоти хушёр тортиб, бир зумда коммунал хизмат ҳақини тўлаб қўйишади.

Суд ижрочилари Миробод туман бўлимида 24 ижрочи фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан 3 нафари хотин-қизлардир. Улардан бири — Юлдуз Ҳайитметова қарздор-

— Вояга етмаган болалари таъминоти учун алимент ундиришининг қонунийлигини таъминлаш учун алимент тўловчи ишлайдиган қорхона бухгалтерияси ҳужжатларини хар уч ойда ўрганамиз. Алимент тўловчининг маоши ошсаю, бу алимент тўловида акс этмаса, қорхона раҳбари ва ҳисобчиси маъмурий жавобгарликка тортилади, — дейди у.

— Ижро ишларини юритиш ижро ҳужжати ўрганишдан бошланади, — дейди суд ижрочиси Низом Элниёзов. — Ҳужжат талабга жавоб бермаса уни қайтариб юборамиз.

Низом аўталак ишлари бўйича фаолият юритади. Айтилиб, қорхона рекевизитлари тўлиқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, бу ҳужжат талабга жавоб бермайдиган ҳисобланади.

Кўрсаткичлар бўйича

биринчи ўринга чиқиб олди

Шу пайтгача Саудия Арабистонини нефть захираси энг бой мамлакат, деб билардик. Энди бундай қарашларни ўзгартиришга тўғри келади.

Сабаб: Буюк Британиянинг нефть-газ савдоси билан шуғулланувчи компанияларидан бири бўлиши «Beyond petroleum» мутахассисларининг айтишича, Венесуэла нефть захираларининг кўпчилиги бўйича Саудия Арабистондан ҳам ўтиб кетди ва бу борада у етакчи мамлакатга айланди.

Маълумотларда қайда этилишича, 2011 йилнинг охирида Венесуэладаги нефть захиралари дунёдаги жами захираларнинг 18 фоизини, яъни 296,5 миллиард баррелни ташкил қилган. Саудия Арабистонда эса бу кўрсаткич 265,4 миллиард баррелга (дунё захираларининг 16 фоизи) тенг бўлган.

Яна бир маълумотда ёзилишича, 2019 йилга бориб Венесуэлада кунига 6 миллион баррель нефть қазиб олиниши тахмин қилинмоқда.

1,5 МИЛЛИОН АҲОЛИ

инсонпарварлик ёрдамига муҳтож

БМТнинг инсонпарварлик ёрдамларини мувофиқлаштириш бошқармаси ақингинада Сурияда 1 миллион киши инсонпарварлик ёрдамига муҳтожлиги ҳақида баёнот берган эди. Эндиликда эса уларнинг сони 1,5 миллионга етди, дея хабар беради «France Presse» АА бошқармадан олинган маълумотларга асосланиб.

Маълумки, Сурияда бир йилдан ошдики, ҳукуматга қарши норозиликлар давом этмоқда. Бу эса муҳолифатнинг қуролли тўқнашувларни содир этишигача бориб етмоқда. Ваҳоланки, жорий йилнинг апрелида ҳукумат тарафдорлари ва муҳолифат ўртасида тинчлик музокараларига эришилган эди.

БМТ маълумотларига қараганда, мамлакатда юзага келган тўқнашувлар натижасида 12 мингдан ортиқ одам қурбон бўлган, 230 мингга яқин киши қочқинга айланган. Ҳукумат қўшини ва муҳолифат ўртасида юз берган қуролли тўқнашувлар оқибатида 2,5 минг ҳарбий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари вакиллари ҳаётдан бевақт кўз юмган. Айнан шу тўқнашувлар боис 3,2 минг нафар тинч аҳоли қурбон бўлган.



Хориж

ФИЛИАЛЛАР ЁПИЛАДИ

ходимлар ишдан бўшатилади

Дунёда ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб ишлаб чиқариш соҳаларига ҳамон ўз таъсирини ўтказиб турибди. Бу таъсир қорхоналар томонидан қўрилаётган улкан иқтисодий зарарлар миқдоридан ўз салобатини намойён этмоқда.



Жумладан, мобил телефонлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи «Nokia» компанияси жорий йилнинг биринчи чорагини 929 миллион евро миқдорида зарар билан яқунлаган. Экспертлар бу ҳолатни молиявий инқироз тўғрисида компания махсусотларига талаб кескин пасайиб кетгани билан боғламоқдалар. Шу боис компания 2013 йилга бориб 10 минг ходимини ишдан бўшатишга, бир нечта мамлакатдаги филиаллари ишини ёпишга қарор қилди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда «Nokia»нинг дунёдаги жами ходимлари сони 50 минг нафардан ортади.

Кўрсаткичлар бўйича

биринчи ўринга чиқиб олди

Шу пайтгача Саудия Арабистонини нефть захираси энг бой мамлакат, деб билардик. Энди бундай қарашларни ўзгартиришга тўғри келади.

Сабаб: Буюк Британиянинг нефть-газ савдоси билан шуғулланувчи компанияларидан бири бўлиши «Beyond petroleum» мутахассисларининг айтишича, Венесуэла нефть захираларининг кўпчилиги бўйича Саудия Арабистондан ҳам ўтиб кетди ва бу борада у етакчи мамлакатга айланди.

Маълумотларда қайда этилишича, 2011 йилнинг охирида Венесуэладаги нефть захиралари дунёдаги жами захираларнинг 18 фоизини, яъни 296,5 миллиард баррелни ташкил қилган. Саудия Арабистонда эса бу кўрсаткич 265,4 миллиард баррелга (дунё захираларининг 16 фоизи) тенг бўлган.

Яна бир маълумотда ёзилишича, 2019 йилга бориб Венесуэлада кунига 6 миллион баррель нефть қазиб олиниши тахмин қилинмоқда.

1,5 МИЛЛИОН АҲОЛИ

инсонпарварлик ёрдамига муҳтож

БМТнинг инсонпарварлик ёрдамларини мувофиқлаштириш бошқармаси ақингинада Сурияда 1 миллион киши инсонпарварлик ёрдамига муҳтожлиги ҳақида баёнот берган эди. Эндиликда эса уларнинг сони 1,5 миллионга етди, дея хабар беради «France Presse» АА бошқармадан олинган маълумотларга асосланиб.

Маълумки, Сурияда бир йилдан ошдики, ҳукуматга қарши норозиликлар давом этмоқда. Бу эса муҳолифатнинг қуролли тўқнашувларни содир этишигача бориб етмоқда. Ваҳоланки, жорий йилнинг апрелида ҳукумат тарафдорлари ва муҳолифат ўртасида тинчлик музокараларига эришилган эди.

БМТ маълумотларига қараганда, мамлакатда юзага келган тўқнашувлар натижасида 12 мингдан ортиқ одам қурбон бўлган, 230 мингга яқин киши қочқинга айланган. Ҳукумат қўшини ва муҳолифат ўртасида юз берган қуролли тўқнашувлар оқибатида 2,5 минг ҳарбий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари вакиллари ҳаётдан бевақт кўз юмган. Айнан шу тўқнашувлар боис 3,2 минг нафар тинч аҳоли қурбон бўлган.

«Ҳамшира — 2012»

Кўрик-танловнинг Наманганда бўлиб ўтган Республика босқичида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган 14 нафар ҳамшира қатнашди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ



Нуфузли ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг белгиланган шартлар бўйича чиқишларини баҳолаб боришди.

Тўпланган умумий балларга кўра, биринчи ўринга Наманган шаҳридаги 1-шифоҳона ҳамшираси Нодира Шералиева муносиб топилди ва «Матиз» автома-

шинаси билан тақдирланди. Иккинчи-учинчи ўринлар Тошкент шаҳри вакили Саодат Низомиддинова ва сирдарёлик Холида Қурбоновага насиб этди. Уларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

НОСИРЖОН ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Тадбир

АСОССИЗ ТЕКШИРУВЛАР

қисқартирилмоқда

«Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Режадан ташқари текширувлар жараёнида тадбиркорлик субъектларининг ҳимояси» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда Солиқ, Бошқона органлари, Санитария-эпидемиология маркази, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Давлат архитектура ва қурилиш ҳамда Статистика қўмиталари масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши тобора кучайтирилаётгани ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Шунингдек, айни пайтда назорат органларининг қорхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилгани, текширишга оид қонунчилик тизими такомиллаштирилгани ҳамда мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлик кучай-

тирилгани тўғрисида ҳам тухта-либ ўтди.

Давра суҳбатида тегишли соҳа вакиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун текширувларга оид қонунчиликдаги ўзгаришлар, текширишлар амалиёти, режадан ташқари текшириш ва ушбу жараён билан боғлиқ масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қолаверса, тадбир иштирокчилари текширувлар жараёнида тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишда Савдо-саноат палатасининг ўрни ва вазифалари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишди.

Шунингдек, тадбирда турли соҳаларда фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишини текширишга оид қонунчилик асослари, режадан ташқари текшириш ҳолатлари ва бу жараённинг тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсири билан боғ-

лиқ масалалар муҳокама қилинди. Муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Давлат солиқ қўмитаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази масъул ходимларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ органлари томонидан текшириш жараёнида учраётган масалалар ҳамда тадбиркорлик соҳаси вакиллари томонидан санитария қонунчилигидаги риоя этилишини текшириш юзасидан ўтказилган таҳлиллар асосида маърузалар ҳам тингланди.

Давра суҳбати сўнггида Савдо-саноат палатаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт Дастури «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси билан ҳамкорликда тайёрланган «Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ҳақида нималарни билиш зарур?» номли қўлланманинг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур қўлланмада текширувлар жараёнида тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишда Савдо-саноат палатасининг ўрни, вазифалари, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва бурчлари, текширувларни ўтказиш тартиблари, шу билан бирга текширувдан кейин расмийлаштирилиши керак бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

Тоштемир
худойқулов

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

«БОБУР ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ» МУЗЕЙИ

ҳамюртимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар даврига оид ноёб китоблар, уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий анжомлар сотиб олади.

Манзил: Андижон шаҳри, Бобур миллий истироҳат боғи, Бобур халқаро жамоат фонди маъмурияти.

Тел: (8374) 225-68-14, (8371) 241-27-98.

СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, СПОРТДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШ

Кўргазма

аввало унинг моддий-техник базасига боғлиқ

Ўқишга дафтар, ручка ва китобсиз бориб бўлмаганидек спорт усуналари ва инвентарларисиз спорт билан шуғулланишни тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, тўпсиз футбол ўйнашнинг иложи йўқ. Ёки қўлқоп ва рингсиз бокс тушиб бўлмайди.

Собиқ тузум даврида юртимизда спорт инвентарлари умуман ишлаб чиқарилмаган. Баъзи бир корхоналарда нималардир тайёрланган, ammo улар аҳолининг спорт маҳсулотларига бўлган талабини қондира олмади. У замонларда сифат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Ёши катта ака-опаларимизнинг айтишича таълим даргоҳларида оддий футбол, волейбол, баскетбол тўпларининг етишмаслиги оддий ҳолга айланган экан.

Истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мустақил мамлакат сифатида бизга ҳам турли халқаро спорт мусобақаларига тақлифлар кела бошлади. Лекин спортчиларимизнинг кийимлари муаммо эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича ўша пайтда бошқа соҳаларда бўлгани каби спортнинг ҳам моддий-техник базаси жуда ночор ва аянчли аҳволда эди.

Вазиятдан чиқиш учун чет элдан спорт усуналари, инвентарлар келтирилди. Ammo бу жуда катта маблағ билан бо-

лиқ эди. Шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда юртимизда ҳам спорт жиҳозларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида жиддий изланишлар олиб борилди. Ишлар бошланди. Бунинг натижасида қисқа давр ичида янги корхоналар бунёд этилди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган, арзон ва сифатли инвентарлар харидорларга маъқул келди. Сабаби, илгари четдан олинган усуналарни таъмирлаш керак бўлса ёки бирор-бир эҳтиёт қисмини алмаштириш зарурати пайдо бўлса яна муаммо бўларди. Юртимизда спорт маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши жуда катта имкониятлар эшигини очди.

Яқинда Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида XXX ёғи олимпиада ўйинлари бошланди. Унда иштирок этадиган спортчиларимиз айнан юртимизда ишлаб чиқарилган спорт кийимларидан фойдаланишди.

Ўзбекистон Маданияти ва санъати кўргазмаси залида «Спорт усуналари, инвентар ва кийимлар» республика кўргазмаси бўлиб ўтди.

Александр ФАНБАЙМ,
«Телеметрик» фирмаси бўлим мудири:

— Бизнинг корхонамиз спорт ўйинлари учун электроника маҳсулотлари, яъни таблолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мана бу сиз кўриб турган табло универсал ҳисобланиб, ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган мусобақаларда фойдаланиш мумкин. Баскетбол, мини футбол, қаришни йўлга қўйиш борасида жиддий изланишлар олиб борилди. Ишлар бошланди. Бунинг натижасида қисқа давр ичида янги корхоналар бунёд этилди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган, арзон ва сифатли инвентарлар харидорларга маъқул келди. Сабаби, илгари четдан олинган усуналарни таъмирлаш керак бўлса ёки бирор-бир эҳтиёт қисмини алмаштириш зарурати пайдо бўлса яна муаммо бўларди. Юртимизда спорт маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши жуда катта имкониятлар эшигини очди.

Шерзод АКБАРОВ,
«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тикув-трикотаж ишлаб чиқариш бошқармаси мутахассиси:

— Бугунги кўргазма бизга ўз маҳсулотларимизни намойиш этган ҳолда маҳаллий ва хорижий харидорларнинг эътиборини жалб этиш имконини беради. Илгари маҳсулотларимизни фақат юртимиз бозорига сот-



Санжар ШОТЎЛГАҲАНОВ олган суратлар.

ган бўлса, аста-секинлик билан жаҳон бозорига чиқиб боришга ҳаракат қилияپмиз. Ҳозирги кунда корхоналаримиз томонидан 19 турдаги спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Россиянинг футбол жамоалари ва энгил атлетикачилари учун спорт кийимлари экспорт қилдик. Маҳсулотларимиз гигиеник жиҳатдан тоза бўлиб, юз фоиз пахтадан тайёрланган. Бу эса спортчиларга қулайлик яратди. «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинларида бизнинг маҳсулотларимиздан фойдаланишяпти. Яқин келажақда-

ги мақсадимиз иш доирамизни кенгайтирган ҳолда ҳозирда бизнинг кўргазма биз учун янги имкониятлар яратди. Яъни юртимизда фаолият юритаётган спорт федерациялари томонидан корхонамиз маҳсулотларига талаб бўлса улар билан ҳам корлик қилишга тайёрмиз.

Абдумалик АБДУШУКУРОВ,
«Стеклопластик» масъулияти чекланган жамияти бош конструктори:

— Биз бугунги кўргазмада намойиш этиш учун 76 хил турдаги спорт анжомларини олиб келдик. Бундан кўзланган асо-

спорт клублари маҳсулотларимиздан фойдаланмоқда. Бугунги кўргазма биз учун янги имкониятлар яратди. Яъни юртимизда фаолият юритаётган спорт федерациялари томонидан корхонамиз маҳсулотларига талаб бўлса улар билан ҳам корлик қилишга тайёрмиз.

Абдумалик АБДУШУКУРОВ,
«Стеклопластик» масъулияти чекланган жамияти бош конструктори:

— Биз бугунги кўргазмада намойиш этиш учун 76 хил турдаги спорт анжомларини олиб келдик. Бундан кўзланган асо-

сий мақсад корхонамизда яратилган янги, замонавий талабларга жавоб берадиган спорт инвентарларини кўрсатиш. Айни пайтда маҳсулотларимизни мутахассислар кўздан кечиришяпти. Агарда улар қандайдир тақлиф айтишса қабул қилишга тайёрмиз. Яқинда Навоий шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида корхонамизда ишлаб чиқарилган волейбол устунларидан фойдаланишди. Илгари корхонамиз қайиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлган. Лекин талаб бўлмагани учун бошқа спорт анжомларини тайёрлай бошлаганимиз. Ammo сўнги йилларда юртимизда байдарка ва каноэ, академик эшак эшиш спорт турлари жадвал ривожланмоқда. Агар бизнинг маҳсулотларимизга талаб бўлса бемалол қайиқлар ҳам ишлаб чиқара оламиз. Мана бу баскетбол шитини ўзимиз яратганимиз. Унинг қулай тарафи керакли пайтда ишлаб, кейин йиғиб қўйиш мумкин...

Фахр-ифтихор билан шуни айтишимиз керакки бугун Ўзбекистон ўз ички эҳтиёжлари учун спорт усуналари, инвентарлари, кийимлари ишлаб чиқарадиган давлатдан спорт жиҳозларини четга экспорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

Чет эл капитали иштирокидаги



«САВДОГАР»

очик акциядорлик
тижорат банки жамоаси

мамлакатимиз барча журналистларини,
нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кун муносабати билан
муборакбод этади!



27 ИЮНЬ — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун



ҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)



Сизларга миллий валютадаги
қуйидаги янги муддатли омонат
турини таклиф этади:

«ОИЛАГА МАДАД»

Ушбу омонат оилангиз жамғарма маблағларини кўпайишига мадад бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ)
сармоянгиз
сақланиши ва
кўпайишини
кафолатлайди.

Барча омонатлар
Фуқароларнинг
банклардаги
омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан
кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- ❖ — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ❖ — маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ❖ — эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ❖ — микдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

MUHIDDIN
MUHIDDINOV
OCHILBOY RAMATOV
Saidahmad
RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
17088
nuxxada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

MIRFAYZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5